



МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР ТАҲЛИЛИ

Нормурзаев Умид Холмурзаевич

Йирик солиқ тўловчилар бўйича инспекция
солиқ бош инспектори, (DSc) и.ф.д.

Аннотация. Мазкур мақолада республикамызда сўнги йилларда мамлакатда солиқ ва молия соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бизнес доираларнинг ишончини янада мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ислоҳотлар ёритилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон солиқ тизимида солиқ маъмурчилигининг самарадорлиги, шаффофлиги ва соддалигини ошириш, шунингдек, инвестиция ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Ўзбекистон солиқ тизимида амалга оширилаётган айрим муҳим ислоҳотлар ўрганилиб, хориж тажрибаси, мамлакатимизда уни қўллаш бўйича илмий-амалий хулоса ва таклифлар шакллантирилган.

Калит сўзлар: солиқ тушумлари, таҳлика-таҳлил, хавфлар, самарадорлик, рақамли платформа, усуллар ва воситалар, илғор ахборот-коммуникация технологиялари, таҳлил, оптималлаштириш, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.

АНАЛИЗ РЕФОРМ, ПРОВОДИМЫХ В НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЕ НАШЕЙ СТРАНЫ

(DSc) д.э.н. **Нормурзаев Умид Холмурзаевич**

Инспекция по работе с крупными налогоплательщиками
Генеральный инспектор по налогообложению

Аннотация. в данной статье рассматривается широкий спектр реформ, направленных на создание благоприятных условий для ведения предпринимательской деятельности в налоговой и финансовой сферах в стране за последние годы, улучшение инвестиционного климата и дальнейшее укрепление доверия деловых кругов. В то же время в налоговой системе Узбекистана были проведены значительные реформы, направленные на повышение эффективности, прозрачности и простоты налогового администрирования, а также обеспечение инвестиций и экономического роста. Были изучены некоторые важные реформы, проводимые в налоговой системе Узбекистана, сформирован зарубежный опыт, научно-практические выводы и предложения по его применению в нашей стране.

Ключевые слова: налоговые поступления, анализ, риски, эффективность, цифровая платформа, методы и инструменты, передовые информационно-коммуникационные технологии, анализ, оптимизация, налоговые льготы, налоговая ставка.

ANALYSIS OF REFORMS CARRIED OUT IN THE TAX SYSTEM IN OUR COUNTRY

(DSc) **Normurzaev Umid Xolmurzaevich**

Inspectorate for large taxpayers
Inspector General of taxation

Annotation. this article covers a wide range of reforms aimed at creating favorable conditions for conducting business activities in the tax and financial spheres in the country in recent years, improving the investment climate and further strengthening the trust of business circles. At the same time, significant reforms were carried out in the tax system of Uzbekistan aimed at improving the efficiency, transparency and simplicity of tax administration, as well as ensuring investment and economic growth. Some important reforms carried out in the tax system of Uzbekistan have been studied, foreign experience, scientific and practical conclusions and proposals on its application have been formed in our country.

Key words: tax revenues, analysis, risks, efficiency, digital platform, methods and tools, advanced information and communication technologies, analysis, optimization, tax incentives, tax rate.

Кириш.

Сўнги йилларда кўплаб мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон солиқ тизимида муҳим ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ислохотлар кўпинча иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, инвестицияларни рағбатлантирадиган ва давлат функциялари учун етарли даромад йиғилишини таъминлайдиган янада самарали, шаффоф ва адолатли солиқ тузилмасини яратиш зарурати билан боғлиқ. Солиқ тизимидаги ислохотлар мамлакатнинг иқтисодий манзарасини шакллантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Яхши ишлаб чиқилган солиқ тизими бизнесни рағбатлантириши, хорижий инвестицияларни жалб қилиши ва давлат молиясининг умумий барқарорлиги ва барқарорлигига ҳисса қўшади. Бундан ташқари, Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиб бораётган, ички ва хорижий инвестицияларни жалб этиш истагида бўлган мамлакат сифатида солиқ тизимини ислох қилиш муҳимлигини эътироф этди. Ушбу ислохотлар нафақат даромадларни йиғишни кучайтиришга, балки бизнеснинг ўсиши, инновациялар ва барқарор ривожланиш учун қулай муҳит яратишга қаратилган.

Адабиётлар шарҳи.

Байбородина (2010) “солиқ ислохотлари – солиқ тизимини кенг қўламли қайта қуриш ва уни бошқариш механизминини ўзгартириш асосида солиқ муносабатларининг чекланган ёки тубдан ўзгариши сифатида” таърифлайди.

Майбуrows (2011) “солиқ ислохоти солиқ тизимини тубдан ўзгартиришни давлат солиқ сиёсатининг янги мазмунига мослаштириш” деб таъкидлайди.

Богатыреванинг (2014) фикрича, “солиқ ислохоти бу давлат солиқ тизимидаги қонуний равишда белгиланган ўзгариш, бу давлат солиқ сиёсати стратегиясини ўзгартиришга асосланади. Шундай қилиб, солиқ сиёсати тактикасининг ўзгариши солиқ ислохотига олиб келмайди. Фақат солиқ тизимига тегишли амалдаги қонунчиликдаги ўзгариш ва қўшимчалар сифатида кўриб чиқилади. Солиқ сиёсати стратегиясидаги ўзгаришлар мамлакатда солиқ ислохотларини амалга ошириш учун асосдир.

Кейнс (1993) ва бошқаларнинг илмий қарашларида муҳим ўрин тутиб келган. Улар давлат иқтисодиётни тартиблашда солиқ сиёсатини юритишнинг турли хил услублари ва ёндошувлари ҳақида кўплаб баҳслар юритган, солиқ сиёсатининг бош мақсади нимадан иборат бўлиши лозимлиги кўрсатиб беришда, кўпроқ, солиқларни ундириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Петрунин Ю.Ю., Панов М.И., Логуновалар Л.Б. эса, солиқ сиёсати ва унинг стратегик мазмунини “солиқ қонунчилигидаги корхоналарга солиқ тўлашдан қочиш имконини берувчи бўшлиқларни аниқлашдан иборат” деган фикрни илгари суради (Дементьева, 1689).

Дементьева ва Майбуrowsларнинг (2007) солиқ сиёсатидаги фикрлари анчайин бир бирига ўхшаш ҳисобланади. Ушбу муаллифлар солиқ сиёсатини мазмуни миллий бойликлардан самарали фойдаланишга қаратилган солиқ тизимини яратилиши сифатида баҳолайди. Яъни, уларнинг фикрича, “солиқ сиёсати давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми бўлиб, мамлакат миллий бойликларини жамғариш ва ундан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш, иқтисодиёт ва жамият манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашувчи солиқ тизимини яратишга қаратилган ва шу орқали жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминланади”.

Карп (2001) Солиқ сиёсати давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги умумий молиявий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, солиқ соҳасидаги давлат фаолияти концепцияси, солиқ механизми, солиқ тизимини бошқариш каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Аронов, Кашинлар (2007) ўзининг тадқиқотида еса, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хориж ва Россия Федерациясида ундириш механизминини ўрганган ҳолда солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишган ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида қўллаб уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг таккомиллаштиришга доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги Фармони билан (29.06.2018 й. ПФ-5468) мамлакатда солиқ ислохотларининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, солиқ юкини кескин пасайтириш мақсадида- товар айланмасидан 3,2 фоиз миқдорда олинадиган ажратмалардан воз кечилди, мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилди, ҚҚС ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга ва ягона ижтимоий тўлов ставкалари 25 фоиздан 12 фоизга туширилди. Солиқ турлари 13 тадан 9 тага камайтирилди ва иш ҳақиға солиқ юки қарийб 2 баравар пасайди. Солиштириш учун: Европа давлатлари Швецияда даромад солиғи ставкаси 56,9%, Англияда 20-45%, Данияда 55,6%, Испанияда 45%, ҚҚС ставкаси Дания, Норвегия, Швецияда — 25 %, Финляндияда — 24%, Венгрияда — 27 %, Россия, Беларусь ва Украинада — 20 %. Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий тарзда берилган энгилликлар ва имтиёзлар натижасида уларнинг ихтиёрида 170,5 трлн.сўм маблағ қолди (республиканинг 2016 йилдаги солиқ тушумлари даромадидан 5,4 бараварга кўп). Кичик корхоналарнинг ва йирик корхоналарнинг солиқ юки ўртасидаги тавофут кескин кискарди ва бунинг натижасида кичик корхоналарнинг ўз бизнесини бўлмасдан кенгайиши учун шарт-шароит яратилди. Тадбиркорлар томонидан солиқ юкини камайтириш мақсадида ўз бизнесини алоҳида юридик шахсларга бўлиш ҳолатлари кескин камайди. Жами солиқ ва мажбурий тўловлар сони 13 тадан 9 тагача камайди⁶⁵.

Давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини кафолатлаш ва йирик солиқ тўловчиларга малакали хизмат кўрсатиш орқали солиқ маъмуриятчилигининг янги босқичига ўтилди. (“Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” (ПҚ-3802-сон 26.06.2018 й.) Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори) Йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш инспекциясининг ташкил этилиши 2021 йилда бюджет тушумларининг 64 фоизини кафолатлаган ҳолда, 2020 йилнинг июнь ойидан Давлат солиқ бошқармаларида ҚҚС маъмурчилигининг марказлаштирилиши 20 фоиз солиқ тушумларини ёки жами 84 фоизини таъминлаш имкониятини берди.

Мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш мақсадида 45 та қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва 10 та ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қонун ҳужжатлар орқали бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27.06.2019й. ПФ-5755 Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 26.09.2019 й. ПФ-5837-сон Фармони). Тенг рақобат шароитини яратиш мақсадида, 84 та турли солиқ имтиёзлари бекор қилинди. Индивидуал имтиёзлар бериш амалиётидан воз кечилди. Шунингдек, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. 2023 йилдан ушбу ставка 12 фоизга туширилиши белгиланган. Солиқ юкининг тенг тақсимланиши натижасида ҚҚС тўловчилари сони 24 бараварга, фойда солиғи тўловчилари 21,1 бараварга, сув солиғи тўловчилари 38,7 бараварга ва ер солиғи тўловчилари 42 бараварга кўпайди. Трансхалқаро компаниялардан Google, Apple, Samsung, Huawei, Meta, Яндекс каби 30 дан ортиқ интернет компаниялари Ўзбекистондаги фаолиятлари бўйича солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиб, давлат бюджетига 31,3 млрд.сўм солиқлар тўланди.

Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассадан фойдаланишга ўтилди. (“Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари

⁶⁵ O'zbekiston Respublikasi davlat soliq qo'mitasi ma'lumotlari. www.soliq.uz.

тўғрисида” (ПФ-5813-сон 06.09.2019 й.) Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони). Бугунги кунда 221,9 мингта (Фармон талаби бўйича 100 фоиз) онлайн назорат касса машиналари (НКМ) ўрнатилди. Савдо объектларини онлайн НКМ билан тўлиқ жиҳозлаш (1) товарлар ҳаракатини кузатиб бориш, (2) уларнинг божхона ва бозор қийматларини таққослаш, (3) бозордаги нарх конъюнктурасини ўрганиш, (4) товар айланмасини масофадан назорат қилиш ҳамда (5) реализация ҳажмларини электрон ҳисоб фактура ва солиқ ҳисоботларида автоматик шакллантириш орқали ҚҚС занжирининг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради. НКМни ўрнатган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш учун уларнинг 22,7 млрд сўмлик харажатлари бюджетга тўланадиган солиқлари ҳисобидан қоплаб берилди. Давлат реестрига 18 турдаги онлайн НКМ, 16 турдаги виртуал касса тизимлари киритилган бўлиб, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича 25 та марказлар ҳамда уларнинг 186 та филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

2022 йил 1 январдан бошлаб иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш, шунингдек, ушбу соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида жамоатчилик назоратининг рақамли инструментлари (харид чеклари бўйича 1 фоизлик cashback ҳамда ҳуқуқбузарликлар юзасидан “Soliq Namkor” тизими орқали мурожаатлар бўйича 20 фоизлик рағбатлантириш) жорий этилди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаш-тиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 04.10.2021 й. ПҚ-5252-сон қарори). “Cashback” тизими жорий этилиши натижасида – 2022 йил январь-сентябрь ойлари бўйича 53,5 трлн.сўмлик (Онлайн НКТ орқали айланмасининг 42,2 фоизи) 105,2 млн.та чек “SOLIQ” мобил иловаси орқали рўйхатга олинди ва 1 168,6 минг нафар фуқарога 425,5 млрд.сўм “Cashback” тўлаб берилди. Мукофотлаш тизими жорий этилиши натижасида – 2022 йил январь-октябрь ойларида “Солиқ-ҳамкор” тизими орқали 121,1 мингта мурожаат келиб тушган. Мурожаат асосида ўтказилган 61,1 мингта текширувдан, 59,9 мингтаси (98 фоиз) тасдиғини топди ва 45,9 мингта текширув натижасида ундирилган жарима суммасидан 29,5 млрд.сўм мукофот пули тўлаб берилди. “Cashback” ва мукофотлаш тизимлари жорий этилиши орқали йил бошидан онлайн НКТ товар айланмаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,6 бараварга (қўшимча 47,6 трлн.сўм) ошиши кўринишида ижобий натижа қайт этилди. 2020 йил 1 январдан бошлаб товарларни (хизматларни) сотишда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда тақдим этиши ва қабул қилиши шартлиги ва солиқ тўловчилар электрон ҳисобварақ-фактуралар операторини ўз хоҳишларига кўра танлашлари мумкинлиги қайд этилди. Ҳисобварақ-фактураларни электрон шаклда расмийлаштириш, сақлаш ва ҳисобини юритиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини шакллантиришда солиқ маъмуриятчилигининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Шунингдек, яширин иқтисодиётни чегаралаш ҳисобига солиқ базасининг кенгайишига олиб келди, жумладан пандемиядан олдинги 2019 йилнинг 9 ойида 420,8 мингта 27,7 триллион сўмлик электрон ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган бўлса, 2022 йилнинг мос даврида 27,6 млн ЭҲФ орқали 967,5 триллион.сўмлик (34,9 бараварга кўп) товар айланмаси қамраб олинди.

2020 йил 1 январдан бошлаб янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини амалга киритилди. (“Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ЎРҚ-599, 2019 йил 30 декабрь). Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Солиқ кодексига 2020 йил 1 январдан бошлаб имтиёзлар фақат Солиқ кодекси билан тақдим этилиши белгиланди. Бунда, айрим солиқлар бўйича солиқ имтиёзлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилганда ва (ёки) реализация қилинганда акциз солиғи ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан фақат белгиланган солиқ ставкасини камайтириш, лекин кўпи билан 50 фоизга камайтириш тарзида ва кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкинлиги қайд этилди. Трансферт нархларни белгилаш, назорат қилинадиган чет эл компаниялар, солиқ тўловчиларнинг консолидация гуруҳларининг фойдасини солиққа тортиш 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб кучга кириши ҳамда улар бўйича доимий равишда маълумотлар чоп этилиб борилиши белгиланди. Олдин солиққа тортилган даромадларни ҳисобга олиш механизмининг жорий этган ҳолда дивидендларни каскадли солиққа тортилиши бекор қилинди. Харид қилиш учун йўналтирилган маблағларни солиқ солинадиган базадан камайтириш имтиёзини бекор қилган ҳолда технологик ускуналар ва кўчмас мулк объектларни харид қилиш даврида

амортизация ажратмаларни бир йўла ҳисобга олиш (инвестициявий чегирма) тартиби жорий қилинди. Зарарларни тақсимлаб кўчириш муддати 5 йилдан 10 йилга, зарарларни тақсимлаб кўчириш чегаравий миқдори солиқ солинадиган базанинг 50 фоиздан 60 фоизгача оширилди. Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларга чет эл компаниялар томонидан тақдим этиладиган электрон хизматларга солиқ солиш тартиби жорий этилди. ҚҚС бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммани, яъни “манфий” қолдиқ суммасини тўлиқлигича қайтариш, асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари бўйича ҚҚС бир йўла ҳисобга олиниши белгиланди. Солиқ назорати шакллари 13 тадан 2 тага қисқартирилди.

Хуфиена иқтисодиётни жиловлаш ва яширин иш ўринларини легаллаштиришга қартилган тадбирлар белгилаб берилди. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 30.10.2020 й. ПФ-6098-сон Фармони). Яширин иқтисодиётни жиловлаш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш мақсадида, замонавий солиқ маъмурчилининг янги инструментлари - Электрон ҳисобварақ-фактуралари, онлайн назорат касса машиналаридан фойдаланиш, товарларни маркировкалаш, электрон шартнома тизимлари жорий этилганлиги натижасида, 2016 йилда ЯИМ (ВВП) яширин иқтисодиётнинг улуши 59 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилга келиб 7 фоиз пунктга пасайтирилди ёки 52 фоизга туширилди. Бу ўз навбатида солиқ тушумларининг ошишига ижобий таъсир кўрсатиб, 2016 йилга нисбатан 2021 йилда тушумлар 4 бараварга ўсди. (2022 йилнинг 9 ойлигида 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 бараварга ўсди). Айрим турдаги тадбиркорлик субъектларини яширин фаолият юритишларини олдини олиш мақсадида белгиланган рағбатлантириш механизмлари киритилди. Хусусан, умумий овқатланиш соҳасидаги кичик тадбиркорлик субъектлари учун банк карталари ва контактсиз тўловлардан тўловлар қабул қилинганда умум белгиланган солиқларни тўлашга мажбурий тартибда ўтиш мақсадида умумий даромадга киритилмаслиги белгиланди, риэлторлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун айланмадан олинadиган солиқ ставкаси 25 фоиздан 13 фоизгача пасайтирилди, қурилиш корхоналарида айрим талабларни бажарган тадбиркорлик субъектлари учун шартнома тузмасдан муддатли равишда ишчилар ёллашга рухсат берилди, ва бошқа механизмлар ишга тушурилди. Яширин фаолияти энг юқори улушга ега бўлган соҳалардан бири-йўловчи ташиш соҳасини қонунийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йўловчи ташишни тартибга солишни янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони қабул қилинди. Бундан ташқари, қурилиш соҳасида солиқ назоратини мустаҳкамлаш, нақд пулсиз тўловларни ишлаб чиқиш ва пул ювишининг олдини олиш, электрон тижорат соҳасида солиқ назоратини мустаҳкамлаш, ҚҚС тўловчининг “шубҳали” корхоналар учун гувоҳномасини вақтинча тўхтатиш, шунингдек, ялпи солиқ ҳуқуқбузарликлари учун жазо чораларини кучайтириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди. Солиқларни ихтиёрий тўлаш даражаси 83 фоиздан 96 фоизга чиқарилди.

2021 йил 23 декабрдан интизомли солиқ тўловчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инсон омилининг таъсирини чеклаш орқали қўшилган қиймат солиғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ хавфига асосланган ёндашув бўйича рўйхатга олиш механизми жорий этилди. (Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори (595-сон, 22.09.2021 й.)) . ҚҚС тўловчиларини солиқ хавфига қараб автоматик сегментлаш (паст, ўрта ва юқори) ва рўйхатга олишнинг янги тамойиллари жорий этилиши натижасида – 4,9 мингта корхонадан муаммоли 738 млрд.сўмлик ҚҚС қарзи ундирилди ҳамда 32,1 мингта ҳолатда 576 млрд.сўм асосиз “зачет”нинг олди олинди. ҚҚС занжири узилишини ҳисоблаш ҳамда назорат қилиш орқали –3,2 мингта корхонанинг 634 млрд.сўмлик ҚҚСни қоплаш бўйича аризалари контрагентлари ва ўзидаги занжир узилишлари сабабли рад этилиб, бюджетдан асосиз маблағлар қайтарилишига йўл қўйилмади. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига ҚҚС занжири узилиши 0,16 коэффициентни ташкил этиб, йил бошига (0,37 коэффициент) нисбатан 21 фоизли бандга камайган. Маҳсулот (товар ва хизмат) ларнинг ягона электрон миллий каталоги жорий этилиши натижасида – “Tasnif.soliq.uz” тизимида 259,9 минг дона маҳсулот (товар ва хизмат) ларнинг ягона электрон миллий каталоги шаклланди. Ҳар бир солиқ имтиёзи ҳисобини юритиш ва муддатларини назорат қилиш имкониятини берувчи “Е-имтиёз” автоматлаштирилган

ахборот тизими ишга туширилди, ҚҚС имтиёзлари электрон ҳисобварақ-фактураларини шакллантириш жараёнида автоматик равишда акс этиши учун 52,5 минг МХИК кодлари ҳамда онлайн-назорат касса машиналаридан фойдаланиш жараёнида акс этиши учун СТИРга солиқ имтиёзлари бириктирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5185-сон Фармони билан алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш ва солиқ имтиёзлари Солиқ кодекси билан берилиши ҳамда улар индивидуал хусусиятга эга бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди. Солиқ органларида ижара шартномалари ҳисобга қўйилиши натижасида 202,8 мингта шартнома асосида 151,8 млрд.сўм жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳисобланган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 49,1 млрд.сўмга ёки 47,9 фоизга ошди. Шунингдек, жорий йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, “Е-ижара” электрон хизматида транспорт воситаларининг ижара шартномаларини расмийлаштириш имконияти яратилди. Натижада қисқа вақтда 10,8 мингта 60,1 млрд.сўмлик транспорт ижара шартномалари рўйхатга олинди.

2022 йил 1 июлдан бошлаб бўш турган ва фойдаланилмаётган объектларга нисбатан таъсирчан солиқ механизмини бекор қилиш орқали солиқ тўловчиларнинг фойдаланилмаётган объектларини ишга тушириш ҳамда айланма маблағлари ошишига ижобий таъсир қилди. (“Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” (ПФ-162-сон 28.06.2022 й.) Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони) (“Таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида” (ПФ-218-сон 09.09.2022 й.) Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони). Ушбу фармон ижроси юзасидан жорий йилнинг июль-декабрь ойларида 18,5 мингта объект мулкдорларига 1,7 трлн.сўм солиқларни ҳисобланиши тўхтатилди. Шунингдек, 20,5 мингта объект мулкдорларга нисбатан таъсирчан солиқ механизми қўлланилиши натижасидан ҳосил бўлган 1,8 трлн.сўмлик солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилди.

Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини ривожлантириш учун Россия Федерацияси томонидан кўрсатиладиган беғараз техник ёрдам доирасида ҳамда Жаҳон банкининг доимий эксперти иштирокида ислохотларни янги босқичга чиқариш ишлари давом эттирилмоқда. Россия Федерацияси солиқ органлари билан ҚҚС автоматлаштирилган бошқарув тизими (АСК НДС -2);

ахборот тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, йўлга қўйиш жараёнлари, йирик ҳажмдаги маълумотларни тезкорлик билан қайта ишлаш технологиялари, бизнес аналитика ва сунъий интеллект тизимларидан самарали фойдаланишда ҳамкорлик давом эттирилмоқда. Солиқ ислохотлари нуфузли халқаро институтлар томонидан қайд этилиб, «Doing Business» “Солиққа тортиш” рейтингида 2016 йилга (154 ўрин) нисбатан 24,6 пунктга кўтарилиб, 69-ўринга чиқилди.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, солиқ органлари яширин иқтисодиётни камайтириш ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қарши курашда муҳим рол ўйнайди. Улар ўзларининг саъй-ҳаракатлари, ҳамкорликлари, таълим олишлари ва технологиялардан фойдаланишлари орқали солиқ тизимининг адолатлилиги ва яхлитлигига ҳисса қўшадилар, барча жисмоний шахслар ва корхоналар солиқ мажбуриятларини бажаришларини ва иқтисодиётга ўзларининг адолатли ҳиссаларини қўшишларини таъминлайдилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, яширин иқтисодиётни қисқартиришда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш чораларини кўриш юзасидан кўйдаги таклифларни беришимиз мумкин.

Халқаро молия институтлари ҳамкорлигида “Солиқ хавфларини бошқариш” (CRM) тизимини жорий қилиш. Бунда дастлаб, Қурилиш ва кейинчалик савдо, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олиш. Тенг рақобат муҳитини яратиш ва солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларининг олдини олиш чора-тадбирларини давом эттириш, шу жумладан солиқ тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилари учун қўшимча чекловлар ўрнатиш тизимини жорий қилиш керак бўлади.

Адабиётлар /Литература/Reference:

Аронов А. ва Кашин В. (2007) *Налоги и налогообложение* –М.: Магистр.

Байбородина В.Г. (2010) *Налоги и налогообложение: учебное пособие / Хабаровск: РИЦ ХГАЭП, 108 с.*

Богатырева Е.Н. (2014) *Теоретические детерминанты налоговых реформ. ISSN 2221-7347 Экономика и право.*

Дементьева Н.М. (1689). *налоговая политика государства.* https://nsuem.ru/science/publications/science_notes/issue.php?ELEMENT_ID=1689,

Карп М.В. (2001) *Налоговый менеджмент: Учебник для вузов.* – М.: Юнити-дана, – 39 с.

Кейнс Ж.М. (1993) *Избранные экономические произведения.-М.Соцэкгз. 1960; Дж.М.Кейнс Общая теория занятости, процента и денег.* – М.:

Майбуров И.А. (2007) *Налоги и налогообложение: учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям; под ред. И.А.Майбурова.* –М.: юнити-дана, -655 с.).

Майбуров И.А. (2011) *Налоги и налогообложение: учебное пособие / И.А. Майбуров.* –М.: ЮНИТИДАНА, 558 с..

Нормурзаев У. (2021). *Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в узбекистане. Economics and Education, (6), 82–86.* https://doi.org/10.55439/ECED/vol_iss6/a285

Нормурзаев У. *Солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни қўллаб-қувватлаш сиёсати // Экономика и финансы (Узбекистан). 2020. №4 (136).* URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/soli-imtiyozlari-or-ali-i-tisodiyot-tarmo-lari-amda-so-alarida-tizimli-tarkibiy-islo-otlarni-llab-uvvatlash-siyosati>.

Нормурзаев У.Х. *Иқтисодиётни тартибга солишда солиқ имтиёзларининг аҳамияти ва бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли//Экономика и финансы (Узбекистан). 2014. №4.* URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/i-tisodiyotni-tartibga-solishda-soli-imtiyozlarininig-amiyati-va-byudzh-et-daromadlarini-shakllantirishdagi-rol-i>

Нормурзаев, У. (2021). *Пути эффективно использования налоговых льгот для поддержки предпринимателей. Экономика и инновационные технологии, (4), 355–362.* *извлечено от* https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/11954

Нормурзаев, У. (2021). *Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашда солиқ имтиёзларини бериш орқали самарали усуллардан фойдаланиш йўллари. Economics and education, (3), 91-95.*

Нормурзаев, У. (2022). *Хукуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислохотлари натижалари. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10(5), 325-330.*

Нормурзаев, У. (2023). *Солиқ имтиёзлари бериш тартибини такомиллаштириш масалалари. Economics and education, 24(1), 334-339.*

Нормурзаев, У. (2023). *Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида молия бозорининг долзарб муаммолари тадбиркорликни тенг рақобат шароитларини яратиб ҳамда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш йўллари. Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка, 88-89.*

Нормурзаев, У. Х. (2021). *2021 йилдаги солиқ маъмурчилиги ҳамда солиқ кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан. Интернаука, (6-2), 99-100.*

Нормурзаев, У.Х. (2021). *Хукуматимиз томонидан берилган солиқ имтиёзларининг ҳисобини юритиш ва самарадорлигини таҳлил қилиш масалалари. Экономика и финансы (Узбекистан), (10 (146)), 47-56.*